



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 17.01.2022 г. № 006366

между УзР Адлия вазир. Юристар малакасини ошириш маркази и Сирдарё в. Мусикали Драма театри на общую сумму 1350000,00

Глава 056
Казначейский лицевой счёт 400121860244017082600056002

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4291000			
Январь	1 350 000,00			1 350 000,00
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	1 350 000,00			1 350 000,00

Всего 1350000,00 сум

Один миллион триста пятьдесят тысяч сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 1350000,00 сум или 100,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в _____ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



Мирзалиев
(подпись)

Мирзалиев Достонбек Рустамович

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

Абдураимова
(подпись)

Абдураимова Гулчехра Турсунова

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения

(подпись)

Получил работник заказчика

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

«__» _____ 20__ г.

МАЛАКА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА № 006366-сон

Тошкент ш.

2022 йил 17 январь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июндаги 531-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази Уставига мувофиқ Марказ директори ўринбосари К.Исламов (бундан буён матнда "Марказ" деб аталади) бир томондан Сирдарё вилояти музикали драма театри номидан Мирзалиев асосида фаолият юритувчи ташкилот раҳбари Мирзалиев Достонбек Рустамович ва (бундан буён матнда "Буюртмачи" деб аталади) иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22-ноябрдаги 244-сон қарори билан тасдиқланган "Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида"ги низом ҳамда шартномада назарда тутилган тартибда ва шартларда малака ошириш курсларини сифатли ташкил этишни, Буюртмачи эса малака ошириш билан боғлиқ харажатларни тўлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Малака ошириш курсларида ўқув машғулотлари Марказ томонидан тасдиқланадиган 72 академик соатдан иборат ўқув дастурлари асосида олиб борилади.

2. Малака ошириш учун белгиланган тўлов ва ҳисоб-китоб тартиби

2.1. Тасдиқланган ўқув дастури бўйича малака ошириш учун белгиланган тўлов бир киши учун Республикада жорий этилган базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баробари миқдорида қўшимча қиймат солиғисиз 1350000 (бир миллион уч юз эллик минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартнома қийматининг 100 фоиз тўловини беш банк иш куни мобайнида олдиндан пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

2.3. Буюртмачи шартноманинг иккинчи нусхасини малака ошириш курси бошланган вақтда Марказга тақдим этилишини таъминлайди.

3. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Марказ қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

малака ошириш жараёнини сифатли ташкил қилишни таъминлаш;

машғулотларни соҳа бўйича юқори малакага эга бўлган профессор-ўқитувчи ва амалиётчи мутахассислар томонидан ўтказилишини таъминлаш;

тингловчиларни ўқув материаллари, техник воситалар, компьютер техникалари ва кутубхонадан фойдаланишини таъминлаш;

малака ошириш курслари якуни бўйича синовлардан муваффақиятли ўтган тингловчиларга белгиланган намунадаги сертификат бериш.

Марказ томонидан малака ошириш курси битирувчиларига электрон сертификатлар ноёб идентификация раками ва QR-код ҳамда химоя элементларини пазарда тутувчи “Электрон сертификатлар репозиторийси” тизими оркали тақдим этилади.

4. Буюртмачининг мажбурияти

4.1. Буюртмачи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

малака ошириш учун белгиланган тўловни ўз вақтида амалга ошириш;

малака ошириш курслари бевосита Марказда ташкил этилган ҳолларда тингловчиларни белгиланган муддатда Марказга етиб келиши ва машғулотларда тўлиқ катнашишларини таъминлаш (катнашиш);

малака ошириш курслари онлайн шаклда ташкил этилганда тингловчиларни онлайн ўқув машғулотларида бевосита иштирок этишини таъминлаш (бевосита иштирок этиш);

малака ошириш курслари масофавий оффлайн шаклида ташкил этилганда тингловчиларни Марказ масофавий таълим платформасига жойлаштирилган электрон ўқув-контентларини тўлиқ ўзлаштиришини таъминлаш (ўзлаштириш);

буюртмачи белгиланган муддатларда тингловчиларни малака оширишга юбормаган ҳолларда, тингловчилар жорий ўқув йилининг кейинги ойида ўқитилади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Ушбу шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим бўлган даражада бажармаслик томонлар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликни юзага келтиради.

5.2. Шартнома юзасидан вужудга келадиган ҳар қандай низоли масалалар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади. Келишувга эришилмаган ҳолларда низо суд тартибида ҳал этилади.

5.3. Ушбу шартномани бажаришда томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қиладилар.

6. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби ҳамда бекор қилиш

6.1. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ёки қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар икки томон имзолагандан сўнг кучга киради.

6.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш томонларнинг келишуви бўйича ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларда ва тартибда амалга оширилади.

6.3. Шартнома қуйидаги ҳолларда Марказ томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин:

тингловчи Марказ Уставига ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ тингловчилар сафидан чиқарилганда;

малака ошириш учун белгиланган тўлов тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилмаганда;

6.4. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга бу ҳақда ёзма хабарнома

юбореди.

7. Форс мажор ҳолатлари

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди. Ваколатли орган томонидан берилган махсус ҳужжат енгиб бўлмас куч мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

7.2. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар енгиб бўлмас куч узлуксиз амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

8. Бошқа шартлар

8.1. Буюртмачи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва малака ошириш курсларига мутахассисларни жалб қилиш юзасидан Марказга таклифлар киритиши мумкин.

8.2. Тингловчи узрсиз сабабларга кўра машғулотларда қатнашмаган ёки администратор томонидан берилган электрон логин ва парол орқали масофавий таълим платформасида ўқув курсини бошлаган ёхуд узрсиз сабабларга кўра (меҳнат шартномаси бекор қилинган, бошқа ишга ўтган) белгиланган ўқиш муддати давомида ўқув курси модулларини (маъруза, видеомаяруза, тақдимот слайдлари, глоссарий) яқунламаган, шунингдек белгиланган тартибда Марказ тингловчилари сафидан чиқарилган ҳолларда, Марказ ҳисоб рақамига ўтказилган тўлов суммаси Буюртмачига қайтарилмайди.

8.3. Марказ масофавий таълим платформасига жойлаштирилган электрон ўқув-контентларини узрли сабабларга кўра ўзлаштирмаган тингловчилар якуний синов имтиҳонига қўйилмайди ва бундай ҳолда тингловчи кейинги гуруҳлар билан бирга ўқув курси бўйича электрон ўқув-контентларини тўлиқ ўзлаштирганидан сўнг якуний синов имтиҳонини топширишга руҳсат берилади.

8.4. Тингловчи якуний синов имтиҳонидан (суҳбат) ўта олмаган тақдирда Марказ ҳисоб рақамига ўтказилган тўлов суммаси Буюртмачи ташкилот ва Буюртмачиларга қайтарилмайди. Бундай ҳолда тегишли Буюртмачи ташкилот ва Буюртмачилар қайтадан Марказ билан электрон дастур орқали шартнома расмийлаштириши лозим. Шартнома бўйича тўлов суммаси белгиланган тартибда амалга оширилганидан сўнг тингловчи навбатдаги гуруҳ билан биргаликда (масофавий таълим платформаси, масофавий онлайн ва анъанавий шаклда) малака ошириш курсида ўқийди.

8.5. Узрли сабаб билан малака ошириш курсини якунига етказа олмаган тингловчи тарафлар келишувига биноан навбатдаги гуруҳ билан биргаликда малака ошириш курсини яқунлаши мумкин.

8.6. Якуний синов имтиҳонида узрли сабабларга кўра қатнаша олмаган тингловчи навбатдаги гуруҳ тингловчилари билан биргаликда малака ошириш курсини яқунлаши мумкин.

8.7. Малака ошириш курсларида ўқув жараёни, қондага кўра, 25 нафардан ортиқ бўлмаган тингловчилардан иборат академик гуруҳларда ташкил қилинади.

8.8. Тегишли ахборот-методик ва ташкилий-техник база мавжуд бўлган тақдирда малака ошириш ўқув курслари масофадаш ўқитиш усуллари қўлланилган ҳолда онлайн ёки оффлайн шаклида ташкил этилади.

8.9. Марказ тингловчиларни турар-жой билан таъминлаш мажбуриятини олмайди.

8.10. Ушбу шартномада назарда тутилмаган барча шартлар амалдаги қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

9. Алоҳида шартлар

9.1. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабрь қадар амал қилади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган ва бир хил юридик кучга эга.

ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Азия
Вазирлиги қўлидаги Ишриетлар
Ўзбекистоннинг оғирлиги маркази
Мадания ва янгилиги Ўзбекистон
х.р. 23402000300100001010
АККМ 355 ББ Ўзбекистон
МФО 00014
ИНН-201122919
Ҳ.р. 400110880282697096200009001
ИНН 201991922 ОКЭД-85590
190052, Тошкент шаҳри, Катта Дарҳон
кўчаси, б/х
Тел: +7112345346
Марказ директори ўринбосари
К.Исламов
Ж.Жароев

Буюртмачи

Сирдарё вилояти мусикали драма театри
Гулистон шаҳар Навоий шох 42
АТИБ Ипотека банк Сирдарё вилоят
филиали

23402000300100001010
400121860244017082600056002
00364

200322567

201122919

Мирзалиев Достонбек
Рустамович

